

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон халқ шоири М. Тоир очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўзининг Сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурнинг пировард мақсади – мамлакатимизда ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, одамларнинг орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, ҳаёт сифатини янада юксалтиришдир. Бунинг учун давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг самарадорлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш, илм-фанни ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, тиббий ва маиший хизматлар сифатини ошириш бўйича қўллаб-қувватлаш белгиланган.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов белгилаб берган принципларга амал қилган ҳолда тинчликпарвар сиёсат юритиш, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналиш бўлиб қолиши қайд этилган.

Тошкент вилояти улкан иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, бой табиий ва инсоний ресурсларга эга вилоят сифатида Ўзбекистон ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоизидан зиёди, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 10 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг 9,7 фоизи айти шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Олмалик кон-металлургия комбинати, "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган автомобиль двигателлари заводи, Янги Ангрен ҳамда

Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётининг локомотивлари ҳисобланади.

Учрашувда Тошкент вилоятининг ушбу улкан салоҳиятидан тўла фойдаланиш, уни янада ривожлантириш ҳақида ҳам сўз юритилди.

Видеоконференция шаклида ўтказилган учрашувда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси У. Мирзакулов, "Максам Чирчиқ" акциядорлик жамияти қошидаги маданият саройи директорининг ўринбосари Л. Филиппова, Ангрен шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби директори Н. Фафурова, Ўзбекистон корейс миллий маданият марказлари ассоциацияси раҳбари В. Пак, Олимпия ўйинлари чемпиони Ф. Ғойибназаров, Бўстонлиқ туманидаги "Бурчмулла" ўрмон хўжалиги директори А. Абдуҷамитов, Паркент туманидаги "Норчонтол" фермер хўжалиги раҳбари А. Абдуҷонусов, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгаши раиси Р. Раҳмонов ва бошқалар мамлакатимиз ривожига ҳар бир соҳада намоён бўлаётгани, одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашишга чақирди.

Тадбир

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ ислохотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ички ишлар вазирлиги академиясининг профессор-ўқитувчилари, вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов Конституциямиз қабул қилинган 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ички ишлар органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш, шу мақсадда алоҳида қонун қабул қилиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши билан ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари ҳамда уларнинг ваколат ва мажбуриятлари, шунингдек, ушбу идораларда хизмат ўташ тартиби, шартлари, ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояси яхлит ҳужжатда мужассам этилди.

– Ушбу Қонун эркинлик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий қадриятларни демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнига синдиришда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ички ишлар органларида бошқаруви ташкил этиш кафедраси бошлиғи, полковник И. Исмоилов. – Қонунда айнан ҳуқуқий тартибга солишнинг миллий ва хорижий тажрибаси инobatта олинган. Унда ички ишлар органлари фаолиятининг принциплари сифатида умуминсоний қадриятлар мустаҳкамланган. Ушбу принциплар айти вақтда халқро ҳуқуқ нормаларига ҳам тўлиқ мос келади.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атофтича жавоб олди.

И. АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Давлат дастури – амалда

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида 2016 йилнинг 18 ноябидан 18 декабрга қадар Патронаж оиласи деб эълон қилинди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРФИБОТИ

Вилоятдаги барча даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилаётган мазкур оилалардан кўзланган асосий мақсад Соғлом она ва бола йилида аҳолига кўрсатилаётган профилактик тадбирларни янада такомиллаштиришдан иборат.

Патронаж оиласи давомида фуқаролардан манзилли хабар олиш билан бир қаторда, уларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш ҳам кўзда тутилган. Маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказиладиган оиллик мобайнида аҳоли ўртасида мавжуд касалликлар, уларни юзага келтириши мумкин бўлган омиллар ўрганилиб, мавжуд муаммоларни аниқлаш, ечимини топиш ва бартараф этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларига ахборот қиритиш ҳамда тегишли чораларни белгилаш вазифалари амалга оширилади.

Шунингдек, маҳаллаларда, ўқув муассасалари ва корхоналарда соғлиқни сақлаш тизимидаги барча умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамширалари ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассислари томонидан касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари юзасидан кенг қўламда тарғибот ва тушунтириш ишлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Хонадонларда, маҳалла ва кўчаларда юқумли касалликлар юзага келиши мумкин бўлган омиллар ДСЭНМ ходимлари томонидан аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар қиритилади.

Лола ЖАВДАНОВА,
услубчи шифокор.

БАХТЛИ КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН

Ўн олти ёшимда қўлимга илк бор фуқаролик паспорти олиганимда ўзгача бир туйғу бутун вужудимни қамраб олди. Уни қайта-қайта ўқиб, ота-онам, опа-укаларимга, ўртоқларим, синфдошларимга фахрланиб кўрсатганман. Мана, бугун 18 ёшга тўлдим.

Фахр

Мамлакатимиздаги энг муҳим сиёсий воқеалардан бири – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қизгин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда

ушбу жараёнда мен ҳам иштирок этишимни ўйлаб, юрагим орзиқиб кетади. Энди жамиятда менинг ҳам ўз ўрним, овозим бор. Мен, албатта, бу сайловда ўз Ватани тараққиёти, халқи фаровонлиги, ёшларнинг бахтли келажаги йўлида ҳаётини бахши-

да этадиган муносиб номзодга овоз бераман. Бу мен каби илк бор овоз бераётган ёшлар учун, энг аввало, ишонч, шараф, қолаверса, улкан масъулият ҳамдир.

Шаҳзод САЙФУЛЛАЕВ,
коллеж ўқувчиси,
Зангиота тумани.

САХОВАТЛИ ЗАМИНИМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

ички ва ташқи бозорларни тобора тўлдирмоқда

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатлардан 14 таси 2015 йилда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун махсус мукофот билан тақдирланган эди. Мазкур халқаро нуфузли мукофотга сазовор бўлганлар орасида Ўзбекистон Республикасининг ҳам борлиги барчамизни мамнун қилади. Бу катта ютуқлар давлатимизнинг Биринчи Президенти раҳнамолигида мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги тармоқларида кенг қўламда амалга оширилган ташкилий-таркибий ўзгаришлар самараси, десак янглишмаймиз.

Қарор ва ижро

Кейинги йилларда пахта экиладиган ерларни режалар қисқартириб бориб, сабзавот ва полиз экинлари майдонлари, мевали бог ва тоқзорларни кенгайтириш тобора жаддалаштирилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси эса, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари салмоғи кескин ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Қарори бу соҳада яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжат мамлакатда озиқ-овқат мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларни барқарор ва изчил давом эттиришда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Фахр билан айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг унмдор тупроқ ва мўътадил иқлим шароити, йилнинг камиди 320 кун куёшли бўладиган саховатли заминимизда етиштирилмаган мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узумлар юқори нуфузли брендга эга бўлиб, хорижда рақобатбардошлиги билан юксак қадрланапти. Жумладан, сархил, қуртилган, музлатилган маҳсулотлар тайёрлаб, экспорт қилишга ихтисослашган GOLD DRIED FRUITS EXPORT компанияси эришаётган ютуқлар бунга яққол мисолдир.

Фаолиятини 2012 йилда бошлаган компания Европа мамлакатларидаги етакчи ишлаб чиқарши фирма ва компанияларнинг энг илғор техника ва технологияларини жорий этиб, ўтган қисқа даврда экин майдонлари, мевали бог, тоқзор ва иссиқхоналарини 2 минг 250 гектарга етказди. Томчиликни суғо-

риш тизими мукамал йўлга қўйилди. Компания таркибидagi маҳсулотларни қайта ишлаш заводи, мева, сабзавот, резаворларни қуритиш ва музлатиш линиялари, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларидаги жами 108 гектарли иссиқхона каби барча инфратузилмаларда энг замонавий технологиялар асосида иш юритилади.

Шуниси диққатга сазоворки, компанияга қарашли ерларнинг ярмига яқини вилоятимизда. Янгиўл туманидаги 440, Пискент туманидаги 330 гектар майдонда асосан маккажўхори, пиёз, рангли карам, бўлғор қалампири, бақлажон ва "тўқсонбосди" экинлари етиштирилади. Богларда эса, гилос, олча, шафтоли, ўрик, беҳи, олхўри, анор ва ёнғоқ дарахтлари парваришланади.

Компаниянинг 7 гектар майдонни эгаллаган заводида маҳсулотлар қайта ишла-



ниб, қуритилган ва музлатилган ҳолида хорижга экспорт қилинади. Заводдаги барча ишлаб чиқариш линияларида Германия, Бельгия, Туркия ва Хитойдан келтирилган энг сўнгги русумдаги техника ва технологиялар жорий этилган.

Компаниянинг 20 минг тонна маҳсулот сақланадиган универсал совуғтич мажмуасини Голландиянинг Celtic Cooling компанияси қурган. У республикада ягона бўлиб, карам, бўлғор қалампири, сабзи, картошка, помидор, бақлажон, ўрик, олча, гилос, қулупнай, шафтоли, олхўри, малина, смородина, узум, қовун, тарвузни музлатиб,

узоқ муддат сақлаш ва экспорт қилиш имкониятига эга. Шунингдек, қуритилган бақлажон, майда қовоқ, бўлғор қалампири, лаваги, карам, сабзи ва укроп ҳам тайёрланади.

Барча уруғлар ва мевали дарахт кўчатлари хориждан келтирилади. Шунингдек, компаниянинг ўзи ҳам чет эллардан олиб келинган уруғликларни экиб, кўчатлар яратди.

2016 йилнинг охиригача компания 15 минг тонна мева, сабзавот, резавор ва ошқўк, 1 минг 100 тонна қуритилган, 3 минг тонна музлатилган маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган. Келаси йили

эса, барра маҳсулот экспортини 20 минг тоннага, қуруқ маҳсулотни 2 минг 600 тоннага, музлатилган маҳсулотни 20 минг тоннага етказиш мўлжалланган.

Муҳтасар айтганда, компания уруғ ва кўчатни экишдан бошлаб то тайёр маҳсулотни экспорт қилишгача бўлган жараёнда сифатни назорат қилишнинг ўзига мос ва хос тартибни яратган. Универсал совуғтич мажмуаси таркибидagi лабораторияда ҳамма турдаги маҳсулотларнинг сифати илмий асосда кузатилади, ўрганиб борилади.

Абдусамод ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Хурматли сайловчилар! Бугун сиз, азиятлар билан мана шундай самийи бир вазиятда учрашиб, барчангизни соғ-салома, кўтаринки кайфиятда кўриш насиб этганидан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, сизларнинг тисолингизда бутун вилоят ахлига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтироми ва эзгу тилакларимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа – шу йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига ҳам саноқли кунлар қолди. Сайловолди жараёнлари қизгин паллага, ҳал қилувчи босқичга кўтарилмоқда. Бутун халқимиз қатори сиз, ҳурматли Тошкент вилояти сайловчилари ҳам ҳар бир номзоднинг Сайловолди дастурини, уларнинг чиқаришлари албатта диққат билан кузатиб бораёсиз. Жумладан, менинг сайловолди дастури, унинг асосий маъно-маъмуни ҳам сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Бу ҳақда гапирганда, Биринчи Президентимиз, мухтарам Исроил Абдуғаниевич томонидан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган, бутун дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб тан олинган стратегик йўлни давом эттириш ва янги босқичга кўтариш бу дастурнинг тул муҳитини ташкил этишини яна бир бор эслатмоқчиман. Ватанамиз, халқимизнинг ҳаётий манфаатларига, унинг эзгу орзу-интилишларига тўла жавоб берадиган ана шу тараққиёт йўлини амалга ошириш учун мен ўзимнинг бор билим ва тажрибамни, бутун борлигимни бағишлашга тайёрман.

Сайловолди учрашувларида мамлакатимизни мустақлаки халқларидан ҳалос этиб, эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуриш йўлини очиб берган ана шундай сиёсатни қатъият билан давом эттириш ҳақида сўз борганда, минг-минглаб юртдошларимиз мени чин дилдан қўллаб-қувватлаётгани ана шу йўлнинг нақадар тўғри ва ҳаққоний эканидан далолат бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, улуг Ўртбошимиз Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топтириш учун мустақам пойдевор яратиб кетдилар. Буни нафақат ўз халқимиз, балки дунёдаги қўллаб-қувватловчи давлат ва сиёсат арбоблари ҳам ҳурмат билан тан олмақда.

Хабарингиз бор, мен кейинги вақтда бир қанча хорижий мамлакатларнинг раҳбарлари билан учрашдим. Уларнинг барчаси мана шу ҳақиқатни яқдидил билан эътироф этиб, Исроил Каримов бошлаган демократик ислохотларнинг истиқболлиги катта ишонч билдирмоқдалар.

Мен чорак асрдан кўпроқ вақт мана шу улук инсонга сафдош бўлиб, у киши билан бирга ишлаганимдан фойдаланаман.

Бугун барчамиз азиз Ўртбошимизни чексиз меҳр ва сўнгини билан эслаб эканмиз, йўлимизда пайдо бўлаётган турли синов ва муаммоларга жавоб излаб эканмиз, энг аввало, Биринчи Президентимизнинг бизга қолдирган бебаҳо сиёсий меросига қайта-қайта мурожаат этишимиз, ундан ўзимизга қуч-қудрат топишимиз табиийдир.

Ҳаммамиз яхши биламиз, у киши буюк истиқлолимизнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти, кадр-қиммати ҳақида гапирганларидан “**Биз кеча ким эдик, бугун ким бўлдик?**” деган иборани кўп ишлатар эдилар.

Дарҳақиқат, жуда толиб айтилган мана шу халқона, ўзбекона таъбирда бизнинг 25 йиллик мустақил тараққиётимизнинг бутун маъмуни-мундарижаси, биз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз ўзининг яққол фодосини топган.

Азиз дўстлар, мен мана шу маърузага тайёргарлик қуриш жараёнида айтиш мумкин, биз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз ўзининг яққол фодосини топган.

Азиз дўстлар, мен мана шу маърузага тайёргарлик қуриш жараёнида айтиш мумкин, биз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз ўзининг яққол фодосини топган.

Азиз дўстлар, мен мана шу маърузага тайёргарлик қуриш жараёнида айтиш мумкин, биз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз ўзининг яққол фодосини топган.

Азиз дўстлар, мен мана шу маърузага тайёргарлик қуриш жараёнида айтиш мумкин, биз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз ўзининг яққол фодосини топган.

Азиз дўстлар, мен мана шу маърузага тайёргарлик қуриш жараёнида айтиш мумкин, биз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз ўзининг яққол фодосини топган.

Азиз дўстлар, мен мана шу маърузага тайёргарлик қуриш жараёнида айтиш мумкин, биз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз ўзининг яққол фодосини топган.

бу воқеалар гўё эртақ бўлиб туюлиши мумкин. Майли, у кунлар эртақ бўлиб қолсин, лекин собиқ тузумдан бизга қандай аянчли мерос қолганини, қандай қийинчиликларни бошимиздан кечириб, бугунги тинч ва осойишта, тўкин-сочин кунларга етиб келганимизни гоҳ-гоҳ эслаб турсак, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмайди.

Бугунги кунда ҳаётимиз ҳам, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ҳам 90-йиллардан ер билан осмонча фарқ қилишини мана шу сайлов жараёнлари яна бир бор яққол тасдиқлаб бермоқда.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз, бу сайлов барчамиз, бутун эл-юртимиз учун гоят муҳим сиёсий тадбир, яна бир улкан синовдир. Дунё ҳамжамияти бу сайловга катта қизиқш билан қарапти. Чунки Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик мамлакатдир. Бу сайловни қандай ўтказишимизга қараб, жаҳон аҳли бизнинг сиёсий, демократик савиямизга баҳо беради. Энг муҳими, шу юртининг фуқароси сифатида ҳаммамизни ўйлантирадиган, Ўзбекистоннинг бундан кейинги сиёсий йўли қандай бўлади, мамлакатимиз келажагини қандай барпо этамиз, деган саболларга энг аниқ ва тўғри жавобни биз шу сайлов орқали топамиз.

Шунинг учун бўлгуси сайловга жуда катта масъулият билан қарашимиз лозим. Ҳеч қачон унутмайлик, гузал ва бетакрор Ўзбекистон барчамизники экан, унинг тақдири ва келажиги учун ҳам барчамиз масъулмиз.

Хурматли юртдошлар!

Сўлим ва бетакрор Чирчиқ воҳаси, Олмалик ва Охангорон кенгликларида жойлашган Тошкент вилояти, бу кўҳна диёр ҳар қандай юксак таърифга муносибдир.

Бу заминнинг унумдор тупроғи, қут-барака ёғилладиган дала ва боғлари, олтин, қумуш, мис, мармар, кўмир каби захирааларга бой конлари, энг муҳими, меҳнатқаш, бағрикенг, кўп миллатли халқи Ватанамиз равақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз ва юксак қадрлаймиз. Ушбу вилоят нафақат ўз аҳолисининг, балки азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида яшаётган икки ярим миллион аҳолининг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлашда беқисс ўрин тутди.

Яратганининг меҳри, назари тушган бу заминдан Шайх Умар Богистоний, Хўжа Аҳрор Валий, Абу Бакр Шоший, Абу Сулаймон Банокатий каби азиз авлиё ва алломалар етишиб чиққанини тарихдан яхши биламиз. Айниқса, буюк аллома Ойхўжа ибн Тошхўжа – Занги отанинг номи, бу муборак зотнинг Тошкент вилоятидаги зияратгоҳи мусулмон оламида маълумо машхурдир. Бу ердаги тарихий макбара қурилиши Соҳибқирон Амир Темури бобомиз томонидан бошланиб, кейинчалик Мирзо Улуғбек тарафидан якунига етказилган. Мустақиллик йилларида бу қутлуг қадамжо Биринчи Президентимиз раҳбарлигида ҳар томонлама обод қилинган сизларга яхши маълум, албатта.

Қадимий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу ўлкада савдотик, хунармандлик, меъморлик билан бирга, маданият, адабиёт ва санъат ҳам кенг ривожланган. Айниқса, Тошкент адабий муҳитида қамолга етган Бадриддин Чочий, Зайниддин Босфий, Дилқаш, Гулшан, Алмай, Камий, Хислат, Мискин, Сидқий Хондайлик, Эшбек каби шоир ва олимларнинг тарихий ва бадийи асарлари халқимизга яхши маълум.

Бугунги кунда адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган Барот Исроил, Абдулла Шер, Махмуд Тоир, Асад Асиллов, Шариф Салимова, Темури Убайдулла, Ашуралӣ Боймурод, Зарифа Эралиева каби шоир ва ёзувчиларнинг номларини нафақат Тошкент вилояти, балки бутун юртимиз китобхонлари яхши билади.

Мамлакатимизнинг илм-фани ва маданияти ривожини Тошкент вилоятида тугулиб вояга етган, ўз ҳаётини халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш учун бағишлаган заҳматқаш олимлар, фидойи маданият ва санъат намояндаларисиз тасаввур этолмаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалиги тарихида, хусусан, богдорчилик соҳасида ўчмас из қолдирган машҳур халқ селекциялари Ризамат Мусамухаммедов, Зайниддин Фахриддинов, академиклар Махмуд Мирзаев, Шавкат Акмалхонов, Нарзулла Маннопов, шунингдек, турли илм-фан соҳаларида илмий мактаб яратган Алибек Рустамов, Жўра Мусаев, Тўхтамурад Жўраев, Тожибой Бўриевнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ана шундай марҳум олимларимизнинг – уларнинг барчасини Оллоҳ раҳмат қилсин – анъаналарини давом эттираётган академиклар Абдусаттор Абдукаримов, Рамизулла Мўминов, Темурижон Носиров каби мухтарам домлаларимиз, Маъбуд

Шерматов, Уктам Пиратов, Турдиали Ортиков, Акмал Саидов, Абдуҳаким Ҳожибоев, Саъдулла Лутфуллаев, Илхом Отабоев, Захро Аҳмедова каби таниқли профессорларимиз ўзларининг илмий изланишлари билан кенг танилган.

Ўзбекистон халқ артистлари Дилбар Абдулазизова, Зухра Ашурова, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган артистлар Махбуба Хасанова, Топшўлат Маткаримов, Дилноза Исмиёминова, Абдурашид Йўлдошев, Улуғбек Раҳматуллаев каби санъаткорларимиз ҳам ушбу вилоят фарзандларидир.

Ўзининг фидокорона меҳнати билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор топган Ўзбекистон Қаҳрамонлари – Сайдали Раҳмонов, Тўлқин Ибрагимов, Алим Тўйчиев, Жонсант Турдиев, Александр Фармонов, шунингдек, миришкор деҳқон ва фермерлар – Ҳабибулла Йўлдошев, Малик Каримов, Муҳим Эрхўжаев, Рустам Хусанов, Ўзбекистон халқ ўқитувчилари – Раъно Фозилова, Хури Солиева, Махбурат Турдиева, Уриш Сафаров, фаол маҳалла оқсоқолларимиз Умат Мирзақуллов, Раҳмон Саидов, Солиддин Саломиддинов каби қўллаб-қувватлаш инсонларнинг номларини эҳтиром билан тилга олишимиз табиийдир.

Маълумки, Тошкент воҳасида юздан зиёд миллат ва элат вакиллари вилоят равақига ва фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида ўзининг самарали фаолияти билан танилган қозоқ Нурмаҳамбет Нурбаев, рус Ольга Долгова, Александр Зверев, Олег Староверов, Раиса Петрова, Алексей Гальян, украин Дмитрий Тимошук, корейс Леонид Ким, татар Марат Валиев каби юзлаб жонқуяр инсонлар борлигини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Мустақиллик йилларида спорт соҳасини, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга берилётган улкан эътибор туфайли вилоят ёшлари охириги беш йилда Жаҳон ва Осиё чемпионатларида, халқаро турнирларда 371 та олтин, 413 та қумуш ва 654 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Айниқса, шу йил Бразилияда ўтказилган ёғи Олимпиада йўилларида вилоятнинг икки нафар вақили юксак шоҳсўлаҳарга кўтарилган. Бу, бутун Ўзбекистонимизнинг улкан ютуғи бўлди.

Бекободлик моҳир юксакимиз Фазлиддин Фойишаров финал жангида асли кубалик бўлган Озарбайжон вақили, гавдаси ўзига иккита келадиган Сотомайори тенгсиз беллашувда мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритганида ўзбек ўғлонига бутун дунё тан берди. Бунга барчамиз гувоҳ бўлдик ва ўша ҳаяжонли дамларни ҳозиргача унутолмаймиз.

Бўстонлик фарзанди, эркин қурашчимиз Элмурод Тасмурадов ҳам Олимпиаданинг бронза медалига эришиб, қувончимизга қувонч қўшди.

Барчамизга гурури бағишлайдиган яна бир воқеа шуки, 15-Паралимпиада ўйинларида Тошкент вилояти вақиллари, дзюдочиларимиз – Одил Тулендибоев олтин медал, Шўҳрат Бобоев ва Феруз Саидов бронза медали соҳиби бўлдилар. Ана шундай тарихий ғалабалар билан бу мард ва матонатли спортчиларимизни, уларнинг устоз-мураббийларини, келинглари, ҳаммамиз биргалликда яна бир бор қутлаб, уларга янги-янги ютуқ ва омадлар тилгайлик.

Мухтарам анжуман қатнашчилари! Маълумки, Тошкент вилояти юксак иқтисодий салоҳиятга, улкан табиий ва инсоний ресурсларга эга ҳудуд сифатида мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутди.

Мустақиллик йилларида ана шу салоҳият ва имкониятларини воҳа аҳоли, бутун халқимиз манфаатлари йўлида ишлатиш бўйича кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, охириги беш йилда ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,4 баробар, унда саноатнинг улуши 33 фоиздан ошганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, шу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 баробар, истеъмол товарлари 2,4 марта ўсди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланимоқда. Кейинги беш йилда 12 минг 700 дан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 23 минг 800 тадан ошди. Бугунги кунда ушбу соҳанинг улуши ялли ҳудудий маҳсулотда 61 фоизга, ҳудудий экспорт таркибида эса қарийб 94 фоизга етди. Иш билан банд аҳолининг 76 фоиздан зиёди айнаш шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Албатта, бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Аммо, биз учун бундай ютуқ ва натижалар халқимизнинг қудаллик ҳаётида, дастурларини, унинг кайфиятида қандай акс этиши, айниқса, муҳимдир.

Шу нукта назардан қараганда, вилоятда кейинги йилларда аҳоли даромадлари жон бошига 1,9 баро-

бар ўсгани ҳаммамизни қувонтиради. Бу ўз навбатида одамларимизнинг турмуш даражаси ва сифати ўсганига хизмат қилмоқда. Масалан, сўнгги беш йилда ҳар юзта хонадонга тўғри келадиган автомобиллар сони – 2,2 баробар, қир ювиш машиналари – 1,2 марта, пилесослар – қарийб 3 қарра, телевизор ва ҳолодильниклар – 1,1 марта қўпайган.

Ҳаммамизга яхши аёнки, Тошкент вилояти замонавий транспорт коммуникация тармоқлари ривожланган ҳудудларимиздан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда Ангрен логистика маркази, “Ангрен – Пон” темир йўли ишга туширилгани, қўллаб-қувватлаш бўлими, кўприклар қурилгани ва реконструкция қилингани вилоятнинг бу борадаги имкониятларини кескин ошириб юборди. Эндиги вазиёми – ана шу салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланишдан иборат ва биз бунга устувор аҳамият қаратамиз.

Тошкент воҳаси азалдан ўзининг қадимий деҳқончилик анъаналари, уста ва миришкор пахтакорлари, богбону соҳибкорлари билан шўҳрат қозониб келади. Кейинги йилларда вилоятда фермерлик ривожини янги босқичга кўтариш, қўллаб-қувватлаш фермер ҳўжаликлари ташкил этиш, уларнинг ер майдонларини оптимallasириш бўйича кўп ишлар қилинди.

Табиийки, бу ишларнинг амалий самараси кишлоқ ҳўжалигида эришилаётган жиддий натижаларда яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, вилоят деҳқонлари жорий йилда ҳам барча кишлоқ ҳўжалиги тармоқлари бўйича мўл ҳосил етиштириб, мавсумни ёруғ юз билан якунламоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юртимизнинг ризқини бутун, дастурхонини тўкин қилишга улкан ҳисса қўшиб келаётган миришкор деҳқон ва фермерларга, барча дала меҳнатқашлари, бутун вилоят ахлига чуқур миннатдорлик билдириб, эзгу тилакларини изхор этишга рухсат берайгиз.

Хурматли дўстлар!

Менинг Сайловолди дастурида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Тошкент вилоятини ривожлантириш бўйича ҳам аниқ режалар ишлаб чиқилган. Рухсатингиз билан улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз вилоятнинг саноат соҳасидаги истиқболлини, биринчи навбатда бу ердаги йирик шаҳарларнинг салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кўрамиз. Айнаан ана шу шаҳарлар нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимизда саноат ривожининг марказлари ва локомотивлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шунинг учун ҳам вилоят бўйича ақил беш йилда саноат соҳасида амалга ошириладиган 747 та инвестиция лойиҳасининг асосий қисми асосан саноат шахарларига тўғри келади.

Барчамизга яхши маълум, Тошкент вилоятида қимё саноати, нефть-қимё, қора ва рангли металлургия, электротехника, машинасозлик ва металлнинг қайта ишлаш каби замонавий саноат тармоқлари ривожланган. Айни шу соҳалардаги улкан имкониятларни тўлиқ ишга солиш мақсадида биз маъмур тармоқларда 67 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирганмиз.

Бу соҳадаги энг йирик лойиҳалардан бири – “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида 214 миллион доллар инвестиция ҳисобидан йилига 100 минг квадрат метр конвейер лентаси ва 3 миллион 200 минг донга автотомобиль шинаси ишлаб чиқариш қўлхонасидир. Лойиҳанинг биринчи босқичи 2018 йилнинг охирида битказилиб, ишга туширилади.

Мен яқинда ана шу иқтисодий зонада бўлиб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан танишганимдан хабарингиз бўлса керак, албатта. Ҳақиқатан ҳам, энг замонавий технологиялар асосида маҳсулот чиқарадиган бу корхона маҳсулотларини хорижий бозори ҳозирдан маълум. Энг муҳими, бу ерда юзлаб ёшларимиз замонавий технологияларни эгаллаб, малакали кадр бўлиб шаклланди, барқарор даромад манбаига эга бўлади.

Вилоятнинг яна бир саноат маркази – Олмалик шаҳридаги тоғ-кон комбинатида янги конларни ўзлаштириш натижасида мис ва бошқа металлари ишлаб чиқариш ҳажминини икки баробар қўпайтиришга қаратилган 1 миллиард долларлик йирик лойиҳа амалга оширилади. Бундан ташқари, қўрғошнинг заводи, рух билан қопланган металл ва мис листлари, профнастил ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай йирик истиқболли лойиҳалар ҳақида гапирганда, 2020 йилда Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатида йилига 100 минг тонна қосқиз пўлат қувурлар ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилишини таъкидлаш лозим.

Шу борада бир масалани алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Ҳозирги вақтда Ангренда ҳам, Бекобод, Олмалик, Чирчиқ шаҳарларида ҳам саноат ин-

фратузилмалари кенгайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммасини ишлатиш, юргизиш учун юқори малакали мутахассислар керак. Бугунги кунда Олмалик шаҳрида Навоий кончилиги институтининг кон-металлургия факультети фаолият қўрсатмоқда. Бу олий ўқув юртини кенгайтириш, унинг моддий-техник базаси, ўқитувчилар таркибини яхшилаш, юқори малакали инженер-техник кадрлар тайёрлаш масаласига биз алоҳида эътибор қаратамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Тошкент вилоятида замонавий саноат тармоқларининг ривожига нафақат йирик шаҳарларда, балки туман марказлари ва кишлоқ жойларда ҳам амалга оширилади. Асосий мақсад маҳаллий минерал хом ашё ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини имкон ҳадгача чуқур қайта ишлашдан иборат.

Тошкент вилояти кишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам катта салоҳият ва кенг имкониятларга эга. Лекин ҳозирги кунда ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Шунинг учун вилоятда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кескин қўпайтириш ва уларни экспорт қилишни янада ошириш, чорвачиликни ривожлантириш бора-бора ҳар бир туман бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилади. Бу йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш учун туманларга тижорат банклари бириктирилади.

Хусусан, Паркент туманида 7 минг гектар лалми майдонлар фермер ҳўжаликлари ва аҳолига бўлиб берилиб, бу майдонларда янги узумзорлар ташкил этилади. Натижада 15 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиши. Ушбу туманни узумчилик соҳасида намунавий туманга айлантириш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, туманда Махмуд Мирзаев номидаги богдорчилик ва узумчилик институти бўлими, “Ўзвирсаноат-холдинг” компаниясининг филиали ташкил этилади.

Қибрай тумани мева-сабзавотчилик билан шуғулланадиган туманга айлантирилади. Сабзавотчилик йўналишидаги фермер ҳўжаликлари ривожлантириш ҳисобидан яна 10 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши. Туманда “Ўзбекосқовқатхолдинг” компанияси билан ҳамкорликда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва экспортга тайёрлаш бўйича логистика маркази ташкил этилади.

Зангиота ва Янгийўл туманларида ҳам мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилади. Зангиота туманида 1 минг 900 гектар, Янгийўл туманида 2 минг 500 гектар эски, иқтисодий самара бермаётган бог ва тоқзорлар ўрнида интенсив бог ва тоқзорлар барпо этилади.

Зангиота туманидаги “Евро фуд трейд” корхонасида 2,5 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан йиллик қуввати 3 минг тонна бўлган мева-сабзавот консервалари ва кадоклаш буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Янгийўл туманида 25 миллион доллар ҳисобидан кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, кадоклаш бўйича логистика маркази ташкил этилади.

Бўстонлик тумани экологик тоза кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, айниқса, доривор ўсимликлари етиштириш бўйича беқисс имкониятларга эга. Шунинг учун туманда 5 минг гектар тоғ олди майдонларда ёнғоқзорлар ташкил этилади. Шунингдек, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида туманда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича эркин иқтисодий зона ташкил этилади.

Бундан ташқари, “Алоқа банк” томонидан 8 мингдан ортиқ хонадонга 35-40 минг асалари оиласи етказиб берилади ва асал экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Умуман олганда, вилоятда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш ва импорт ўрнини босадиган дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 129 миллион доллар бўлган 29 та лойиҳа амалга оширилади.

Охангорон туманининг ўзига хос табиий хусусиятларидан келиб чиқиб, бу туман чорвачилик бўйича намунавий туманга айлантирилади. “Ўзбекосқовқатхолдинг” компанияси тизимидagi “Мега винкс” корхонаси томонидан лойиҳа қиймати 2 миллион долларлик гўштини қайта ишлаш корхонаси ташкил этилади. Шунингдек, 10 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан экспорт-боп шарбат, қимё, йогурт каби янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Юқори Чирчиқ туманида пахта майдонлари қисқартирилиб, бўшаган ерларда янги боғлар яратилади, сабзавотчилик ривожлантирилади. Шунингдек, пахтадан бўшаган майдонларнинг 200 гектариди иссиқхоналар барпо этилади. Бунинг ҳисобидан 5 мингдан ортиқ аҳоли доимий иш билан таъминланади. Бу ерда Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати

томонидан йиллик қуввати 20-30 минг тонна бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш кор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Бошлангич 2-бетда.

Бугунги замон талаби бўлган ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар давом эттирилади. Жумладан, 800 километрдан зиёд оптик толали алоқа тармоқлари ва 425 та мобил алоқа таянч станцияси қуриш, эскирган телефон станцияларини янгилаш кўзда тутилмоқда.

Ангрен, Окқўргон, Бўка, Бўстонлик туманларида тўртта рақамли телеузаткич ўрнатилиб, вилоятда рақамли телевидениега ўтиш даражаси 79 фоиздан 100 фоизга етказилди.

Мухтарам дўстлар!

Бугунги кунда Тошкент вилояти аҳолисининг 56 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу 1 миллион 580 минг ўғил-қизларимиз демакдир. Биз ана шу фарзандларимизнинг ҳаётий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, вилоятда бир қатор ишларни амалга оширишни режалаштирмоқдамиз. Жумладан, Бўка, Зангиота ва Қуйи Чирчиқ туманларида ишлар маданияти ва истироҳат боғлари ташкил этилади. Ангрен шаҳрида эса 33 гектар майдонда Алишер Навоий номидидаги маданият ва истироҳат боғи барпо этилиб, бу ерда турли маданий-маърифий тадбирлар, бадий кеча ва фестиваллар ўтказиш учун замонавий инфраструктура тармоқлари шакллантирилади.

Яна бир лойиҳа ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Чирчиқ дарёсининг Тошкент вилоятига туташ 60 гектарлик ҳудудда минтақамиздаги энг катта "Диснейленд боғи" бунёд этилади. Бу ерда дунёдаги энг яхши шундай боғлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ёшларимиз, Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолиси ҳамда меҳмонлар учун кўнглили дам олиш бўйича зарур инфраструктура тармоқлари ташкил этилади.

Ёшларимиз учун аталган бундай шароитлар ҳақида гапирганда, вилоятда фаолият кўрсатаётган 23 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан 4 та универсал спорт зали, 3 та ёпиқ бассейн барпо этилишини таъкидлаш ўринлидир. Шунингдек, 6 та ана шундай мактабда реконструкция ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий инвентарь ва ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилади.

Бугунги учрашувимиз берган имкониятдан фойдаланиб, мен Тошкент вилояти ёшларига, уларнинг тисмолида бутун Ўзбекистон ёшларига қалбимда бўлган муҳим бир фикрни айтмоқчиман.

Азиз ёшлар, муҳтарам Юртбошимиз сизларнинг барчангизни қандайдиган қўлланганини, сизларнинг келахатингиз, бахти ҳаёт кечирishingиз учун қанча-қанча улкан ишларни амалга оширилганини ҳаммагиз албатта яхши биласиз.

Хурматли Исро Абдуғаниевичнинг: **"Бутун Ўзбекистон болалари – менинг болаларим, ўзимнинг фарзандларим!"** деб айтган меҳр тўла сўзлари ҳар биримизнинг юрагимиздан чуқур жой олган.

Буёқ Йўлбошимиз вафот этиб, бошимизга оғир мусибат тушган шу кунларда бутун халқимиз қатори мамлакатимиз ёшлари ҳам кечиксиз қайғуга тушганларини, ўз келахати ҳақида ўйлаб қолганларини мен жуда чуқур ҳис қилиб турибман.

Шунинг учун ҳам азиз Исро Абдуғаниевичнинг сўмаси хотира-си, руҳи поклари олдида сизларни, бутун Ўзбекистон халқини ишонттириб айтмоқчиман: **У киши бошлаган барча-барча эзгу ишларни, биринчи навбатда ёшларга доир давлат сиёсатини биз ҳеч оғтмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифаси сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларини эгаллаб, ҳаётда ўз мустақам ўринингизни топишингиз, бахтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.**

Сиз, жондан азиз ўғил-қизларимиздан фақат битта илтимосимиз, битта тилагимиз бор: Биринчи Президентимизнинг сизларга билдирган юксак ишончига доимо муносиб бўлинг. Ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, халқимизнинг сизлардан кутаётган орзу-умидларини амалий ишлар билан рўёбга чиқиринг.

Ён-атрофда тобора авж олиб бораётган диний экстремизм, терроризм, гиёвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" деган бал-қазолар сизларнинг бегубор қалбонгизга, ҳаётингиз ва келахатингизга қандай катта ҳаф солаётганини ҳеч қачон унутманг. Ҳаётга очик кўз билан, соғлом тафаккур билан қараб, ҳамиша ҳушёр, ҳамиша оғоҳ бўлиб яшасангиз, ота-оналарингиз, маҳалла-қўй, эл-юртимиз сиздан, албатта, рози бўлади.

Ўқиш-ўрганиш, доимий изланиш, янгилликка, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаш бир умр ҳамроҳингиз бўлсин.

Нега деганда, буюқ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб айтганларидек, **"Дунёда икки турли инсон ҳақиқий инсон саналади: бири – ўргатувчи, бири – ўрганувчи"**.

Мен сизларнинг ҳар бирингизга ана шундай ҳақиқий инсон бўлиш бахти насиб этишини тилайман.

Қадри анжуман иштирокчилари!

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, ҳаёт бор экан, ютуқ билан бирга, ташвиш ва муаммо ҳам бўлади. Албатта, бизнинг бугунги ҳаётимиз ҳам бундан холи эмас. Ана шу муаммоларни ҳал этиш бевосита вилоятлар, туман ва шаҳарларимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан узвий боғлиқ бўлиб, биз бу борада бир қатор муҳим дастурлар ишлаб чиқмоқдамиз. Бу дастурларнинг айримлари кейинги пайтда қабул қилинган фармон ва қарорлар билан тасдиқланиб, уларнинг ижроси бўйича ишлар бошлаб юборилганидан, ўйлаб-манки, сизлар хабардорсиз. Ижозатингиз билан ана шу дастурлар ҳақида тўхталиб ўтсам.

Биринчидан, Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, фармон билан тасдиқланди.

Шу муносабат билан оммавий ахборот воситаларида бу масала анча кенг ёритилди. Мен фақат бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожини учун янги-янги ҳуқуқ ва имкониятлар бериляпти. Албатта, бу жуда муҳим. Аини вақтда ана шу ҳуқуқ ва имкониятлардан самарали, қонунга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш учун тадбиркорларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва масъулиятини ошириш ҳақида ҳам ўйлашимиз керак. Ҳуқуқлар қўпайди, тегишлилар қамайди, дегани – бу тартиб-интизом қамайди, дегани эмас. Аксинча, қонуннинг мантиғи шундайки, қанча кўп ҳуқуқ берилса, шунча кўп масъулият талаб қилинади. Масъулият, масъулият ва яна бир бор масъулият. Мана шундай қатъий қоидалар ҳис этган ва шунга амал қилган тадбиркор ҳеч қачон кам бўлмайди.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент вилоятда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган кредитлар миқдорини келгуси беш йилда камида 2,5 баробар қўпайтириш белгиланганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бундан ташқари, вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш учун 65 гектар майдонда ташкил этилган 8 та махсус саноат зонаси кенгайтирилди. Шу мақсадда 142 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция киритилиб, 113 та лойиҳа амалга оширилди.

Дастурга қўра, келгуси беш йилда 13 мингдан ортиқ янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилади ва уларнинг сонини 30 мингга етказилади.

Иккинчидан, Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тасдиқланганидан барчангиз хабардорсиз.

Маълумки, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари кучайиб, аҳоли фаровонлиги ошгани сайин янги-янги оилалар пайдо бўлмоқда. Уларнинг уй-жойга бўлган талаб ва эhtiёжи ҳам ортиб бормоқда.

Дастурда шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, қишлоқ жойлардаги даромади кам бўлган оилалар, айниқса, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай ва арзон уй-жойлар қуриш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Дастур бўйича келгуси йилда 15 мингта, жумладан, Тошкент вилоятида 932 та ана шундай уй-жой қурилади.

Шунингдек, Ангрен шаҳрида консервантдаги бўш турган 30 та кўп қаватли уй-жойни қайта реконструкция қилиш ҳисобидан эhtiёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Учинчидан, Худудий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурига биноан вилоят, маҳаллий ва шаҳар автомобиль йўллари, аҳоли пунктлари ичиндан ўтадиган йўллар тармоғини ривожлантириш, уларнинг мустаҳкамлигини ошириш, таъмирлашга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда. Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилоятида келгуси беш йилда 134 километр ички йўллар капитал, 654 километр йўллар жорий таъмирланади.

Тўртинчидан, Шаҳар ва қишлоқларда транспорт таъминотини янада ривожлантириш дастури тайёрланмоқда.

Тошкент вилоятда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида охириги беш йилда 310 та замонавий "Исузу" ва бош-

қа русумдаги автобуслар харид қилиниб, вилоятнинг шаҳар ва туманлар марказларини чекка қишлоқлар билан боғлайдиган 185 та йўналиш бўйича қатнов янгидан йўлга қўйилди. Ана шу ишларнинг давоми сифатида вилоятда келгуси беш йилда яна 100 дан ортиқ автобус харид қилиниб, янги йўналишлар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, биз Тошкент вилоятининг асосий аҳоли пунктларини ва Тошкент шаҳрини ўзаро боғлайдиган тезйорар темир йўл тармоқларини қуриш лойиҳасини ишлаб чиқмоқдамиз. Шу муносабат билан иккита логистика хабини, яъни марказини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Улардан бири Тошкент вилоятини Тошкент шаҳри метростанцияси билан боғлайди ва кейинчалик шарқий йўналишда Фарғона вилоятлари томонга ривожлантирилади. Иккинчи логистика маркази эса вилоятини пойтахтимиз билан боғлаган ҳолда ғарбий йўналишдаги вилоятларимиз сари йўналтирилади.

Бешинчидан, Қишлоқларда ичимлик суви таъминоти тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури тайёрланди. Дастурда аҳоли пунктларини марказлашган ичимлик суви тармоқларига улаш, ичимлик сувини узлуксиз етказиб бериш бўйича кенг қўламадаги чора-тадбирлар белгиланди.

Тошкент вилоятда 78 километр магистрал сув тармоғи, 412 километр маҳаллий сув тармоғи, 100 га яқин қудуқ, 74 та сув босими минораси ва бошқа иншоотлар қурилади ва реконструкция қилинади.

Мисол учун, келгуси икки йилда Ангрен ва Охангарон шаҳарларида ичимлик суви ва канализация тармоқлари бўйича 7 та объект қурилиб, 12 километр янги тармоқ тортилади. Келгуси тўрт йилда Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 25 километр сув тармоғи барпо этилади.

Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банки иштирокида келгуси беш йилда 287 миллион доллар инвестиция ҳисобидан Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида ичимлик суви ва канализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳасининг биринчи босқичи амалга оширилади. Шу билан бирга, 2019-2023 йилларда халқаро молия институтлари иштирокида 73 миллион доллар сармоя ҳисобидан Бекобод шаҳрида ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

Олтинчидан, Кўмир таннархини ва аҳолига харид қийматини пасайтириш, шунингдек, бу борада чайковчилик қилиш ва нархларнинг ошиб кетишини бартараф этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Шу асосда Ангрен шаҳри, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлик, Юқори Чирчиқ, Бекобод ва Паркент туманларида "Тошкент кўмири етказувчи" корхонасининг 6 та омбори ташкил этилди. Келгуси йилда эса Охангарон, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Зангиота, Пискент, Окқўргон, Қибрай ва Бўка туманларида ҳам кўмири сотиш шабоҳчалари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

2017 йилда "Ангрен кўмири инвест" қўшма корхонасида кўмири брикетини ишлаб чиқариш қуввати ҳозирги 17 минг тоннадан 40 минг тоннага етказилди.

Еттинчидан, Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига электр энергияси етказиб беришни янада яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилаётган дастур доирасида келгуси беш йилда вилоятда 1 минг 107 километр электр тармоқлари, 336 та трансформатор пункти ва 5 та подстанция қуриш мўлжалланмоқда.

Сир эмас, қишлоқ жойларда баъзан электр энергияси таъминотида узилишлар бўлиб, бу ўз навбатида аҳолининг ҳаёти эътирозларига сабаб бўлмоқда. Табиийки, бундай ҳолатлар, аввало, объектив сабаблар билан боғлиқ. Ўрни, энергия етказиб берадиган қувватларнинг эскириб кетгани буюқ сабаб бўлмоқда.

Албатта, мазкур муаммоларни бартараф этиш, иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани электр билан таъминлашни яхшилаш бўйича ҳукуматимиз томонидан тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда. Масалан, ўтган беш йилда вилоятнинг шаҳар ва туманларида 161 километр электр тармоқлари, 146 та трансформатор пункти янгитдан барпо этилди. Тўрт минг 718 километр электр тармоқлари ва 1 минг 959 та трансформатор пункти реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирланди. Бунинг натижасида 125 минг хонадонга келгуси беш йилда электр энергияси етказиб бериш яхшиланди.

Ишлаб чиқилган дастурда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш назарда тутилди.

Тошкент вилоятда келгуси беш йилда 1 минг 730 километр электр тармоғи ва 423 та трансформатор пунктини реконструкция ва модернизация қилиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, вилоятда умумий қуввати 784 мегаватт бўлган 7 та янги гидро электр станцияси барпо этилади, 4 та гидро электр станцияси модернизация қилиниб, уларнинг қуввати 725 мегаваттга етказилади.

Саккизинчидан, Мактабгача таълим муассасаларини реконструкция ва модернизация қилиш дастури тайёрланмоқда. Бола онгининг шаклланиши, аввало, оила ва болалар боғчасидаги шароит ва тарбия ишларига боғлиқ эканини яхши биламиз. Шунинг учун бу борада биз маблаг ва имкониятни аямаслигимиз керак.

Дастурда янги болалар боғчалари қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия жараёналарига замонавий усулларни жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўзда тутилди.

Тошкент вилоятда келгуси беш йилда 14 та янги болалар боғчаси барпо этилади. 47 та болалар боғчасида эса реконструкция, модернизация ва қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. 106 та мактабгача таълим муассасасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Ана шундай ишларга қўшимча равишда 9 та янги мактаб барпо этилади. 126 та мактаб эса капитал суви реконструкция қилинади ва таъмирланади. 12 та академик лицей ва касб-хунар коллежи реконструкция қилиниб, қайта жиҳозланади.

Тўққизинчидан, Бозорларни реконструкция ва модернизация қилиш, савдо тизимини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги кунда бозорлар овоз ва обод юртимиз манзарасининг ажралмас бир қисмига, тинч ва фаровон ҳаётимиз кўзгусига айлиб бормоқда. Аини пайтда бу борада кўп иш қилишимиз кераклигини ҳам барчамиз яхши биламиз. Аввало, бозорларимизни замон талаблари асосида қуриш билан бирга уларда хизмат ва савдо маданиятини ошириш – энг долзарб масаладир. Бунда, айниқса, ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, замонавий гипермаркетлар тизимини ривожлантириш алоҳида эътибор қаратишга лозим.

Тошкент вилоятда ўтган беш йилда Олмалик, Бекобод, Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Окқўргон, Зангиота, Чиноз, Бўка, Окқўргон, Янгийўл, Охангарон туманларидаги 11 та дехқон ва буюм бозори реконструкция қилинди.

Тайёрланаётган дастурда келгуси беш йилда бу ишларни давом эттириш, бозорларни замон талаблари асосида реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари белгиланди. Хусусан, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бекобод, Пискент, Паркент, Ўрта Чирчиқ туманлари марказларидаги дехқон бозорларини реконструкция қилиш бу дастурдан алоҳида ўрин олган. Насиб этса, катта шаҳарларимизда пайдо бўлаётган гипермаркетлар, улардаги шарт-шароит ва маданият даражаси туманларимизга ҳам албатта кириб боради.

Мухтарам юртдошлар!

Буюқ Алишер Навоий бобомиз: **"Ота-онага жисмининг, жонининг фидо қилгин, уларнинг бирини кўш деб билсанг, бирини ой деб билгин"**, деб ёши улуг инсонларга, хусусан, ота-оналаримизга иззат-ҳурмат кўрсатишга барчамизни даъват этганлар. Чиндан ҳам, ҳаётимизга фазил бағишлаб келаётган муҳтарам кекса авлод вакилларини эъзозлаш, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш, умрларини имкон қадар узайтириш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Шу мақсадда келгуси беш йилга мўлжалланган **яна бир муҳим дастур** – пенсионерларга тиббий хизмат кўрсатишга барчамизни даъват этганлар. Чиндан ҳам, ҳаётимизга фазил бағишлаб келаётган муҳтарам кекса авлод вакилларини эъзозлаш, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш, умрларини имкон қадар узайтириш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Хозирги пайтда айрим кексаларимиз саломатлиги ёки бошқа сабаблар тufолини ана шу йўлнамалардан фойдалана олмаётти. Ушбу йўлнаманинг ўртача нархи бугунги кунда 800 минг сўмни ташкил этмоқда. Биз бундай нурунийларимизга йўлнамаларнинг пулини беришга қарор қилдик. Ўйлабманки, бу – адолатли ечим.

Келгуси тўрт йилда юртимиздаги барча Мурувват ва Саховат уйларида реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларда ҳар жиҳатдан замонавий шароитлар яратиш белгиланган.

"Нуруний" жамғармасининг мақоми ва мавқени кўтариш, унинг вилоят ва республика тузилмаларининг штат бирликларини қўпайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга биз алоҳида эътибор қаратамиз.

Биринчи навбатда шаҳар ва туманларда жамғарманинг давлат бюджетидан маблаг билан таъминланадиган бўлимлари ташкил этилади.

Яна бир муҳим ҳужжат – оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу борада кўп ишлар қилинди. Ана шу ишларнинг давоми сифатида дастурда аёллар ва болаларга махсус ва юқори технологиялар асосида тиббий ёрдам кўрсатиш, жумладан, шу йўналишдаги даволаш ва профилактика ташкилотларининг моддий-техник базасини ва кадрлар таркибининг янада мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Дастурда янги туғилган чақалоқлар, қиз болалар, ҳомиладор ва туғиш ёшдаги аёлларни тўлиқ патронаж хизмати билан қамраб олиш, бу борадаги мавжуд кўрсаткичи 70 фоиздан 100 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Марказлашган тартибда касалхоналарга бериладиган дори воситалари, тиббий буюм ва ускуналар рўйхати кенгайтирилади. Янги туғилган чақалоқлар, аёллар ва болалар учун имкон қадар тўлиқ ишлатилмайдиган жароҳлиқни, шунингдек, болалар қардохирургиясини янада ривожлантириш чоралари қўрилади.

Келгуси тўрт йилда республика бўйича 110 та туман ва шаҳар тиббиёт бirlашмаси, 126 та оилавий поликлиникада қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади. Тошкент вилоятда ҳам 20 та ана шундай тиббиёт маскани реконструкция қилиниб, капитал таъмирланади, энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади. Жумладан, 43 та томография, 326 та рентген, 321 та УЗИ аппарати ва бошқа ускуналар ўрнатилиб, улар аҳоли саломатлиги учун хизмат қилади.

Яна иккита муҳим ҳужжат – Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш ҳамда Аҳолини дори воситалари билан таъминлаш даражасини ошириш ва дори-дармон нархлари шаклланишини такомиллаштириш дастурлари ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда дори воситалари ишлаб чиқариш ва дори-дармонларнинг нархи масаласида муаммолар борлигини очик тан олишимиз керак. Бу масалалар аҳолини қийнаётгани, уларнинг ҳаёли эътирозига сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Дастур доирасида тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган 4 та ҳукумат қарорини қабул қилиш белгиланган. Жумладан, фармацевтика соҳасида 2016-2020 йилларда 67 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Таъкидлаш зарурки, Тошкент вилоятда шу борада 24 та лойиҳа амалга оширилди. Бу – дастурда кўзда тутилган барча лойиҳаларнинг 36 фоизи демакдир. Биргина ана шу рақамнинг ўзи мазкур дастурни амалга оширишда сизларнинг ҳиссангиз қанчалик муҳим эканини кўрсатади.

Ва нихоят, сўнгги дастур – Каттик маиший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва зарарсизлантириш тизимини янада такомиллаштириш дастури тайёрланмоқда.

Дастурда келгуси беш йилда маиший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва зарарсизлантириш бўйича муҳим тадбирлар белгиланади.

Тошкент вилоятидаги санитария ва тозалаш, ободонлаштириш ташкилотлари қўшимча равишда 12 та махсус транспорт воситаси билан таъминланади.

Вилоятдаги маиший чиқинди полигонлари 5 миллиард 500 миллион сўмдан ортиқ маблаг ҳисобидан тартибга солинади. 2017 йилда Ангрен шаҳрида 1 миллиард 500 миллион сўм сармоя ҳисобидан маиший чиқиндиларни қайта ишлаш технологияси жорий этилади.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, кун тартибига қўйилаётган бундай улкан масалаларни ҳал қилиш учун, аввало, маблаг керак, даромад керак. Шу нукта назардан қараганда, бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг субвенцияга қарамлик даражасини кескин қайтариш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Биз учун яна бир муҳим вазифа – бу маҳаллий бюджет даромадларини базасини кенгайтириш ҳисобидан вилоятдаги 7 та тумани субвенциядан чиқаришдан иборат. Бугунги кунда маҳаллий бюджет харажатлари Ўстонлик ва Пискент туманларида 11-17 фоиз, Бекобод, Окқўргон, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Паркент туманларида 30-35 фоиз юқори бюджетдан олинмайдиган субвенция ҳисобидан қопланмоқда.

Бундай ҳолатдан чиқиш учун корхона ва ташкилотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликларида фаолият самарадорлигини ошириш орқали маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларини қўпайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилади.

Азиз юртдошлар!

Сизларнинг эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Бу – халқимизнинг тинчлиги, қафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласидир. Биз бу мақсадга эришиш учун ҳозирги вақтда Ички ишлар вазирлиги тизимини тубдан ўзгартириш чора-та

НАМУНАВИЙ УЙ СОҲИБЛАРИНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Об-ҳавонинг бундай совиб кетиши жойларда куз-қиш мавсумига қўрилган тайёргарликни синовдан ўтказмоқда, дейиш мумкин. Табиийки, бу даврда истеъмолчиларнинг табиий газ, электр энергияга бўлган эҳтиёжи янада ошади. Зеро, ушбу ресурсларнинг узлуксиз ва меъёрида етказиб берилиши хонадонларимизда иссиқлик барқарор бўлишини таъминлайди.

Зангиота туманидаги Ўзғариш қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли А. Навоий номи массивда бунёд этилган намунавий уйларда бу борада аҳвол қандайлигига қизикдик. Массивда Биринчи Президентимизнинг тегишли Қарори асосида бир юз қирқдан ортиқ 3, 4 ва 5 хонали уйлар қурилган экан. Худуд кўрмага кўрқ қўшиб турган уйларда яшовчи аҳоли вакиллари билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг давлатимиз томонидан қуриб берилган хонадонларида яратилган шарт-шароитлар – табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, электр энергия таъминоти талаб даражасида эканлигидан кўнгли тўқлигини англадик.

– Ҳарорат пайсалан

Киш фасли бошланишига ҳали бир ҳафтача вақт бўлса-да, юртимизда об-ҳаво кескин совиди. Вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам ҳамма ёқни оппоқ қор қоплади. Ўтган йилларга нисбатан анча барвақт ёққан қор кайфиятимизга қандайдир кўтаринкилик бахш этгани рост.

Қиш ҳаловати



шу кунларда уйимизнинг иссиқлиги, барча зарур шароитларнинг мавжудлиги оиламизга хотиржамлик, эмин-эркинлик, қолаверса, кўтаринки кайфият бағишламоқда, – дейди 57-уйда яшовчи Файрат Сайдуллаев. – Ошхонадан айвон ва бошқа хоналарга ташқарига чиқмасдан ўтиш имкониятини борлиги катта қулайлик

яратиб, қишнинг аёзли, саратоннинг жазирама кунларида ҳузур-ҳаловат бардавонлигини таъминлайди. Автоулов, ҳўжалик ишларида зарур бўладиган буюмлар учун махсус жойлар ажратилгани эътиборга молик. Мақтанаяпти девон-у, бундай уйларда яшашнинг ўзига яраша гаши ва завқи бор. Массивдаги уйлар қу-

рилишида иштирок этган сантехник Тўлқин Саъдуллаевнинг айтишича, мазкур хонадонларнинг иситиш тизими бугунги кун талабига тўла жавоб беради. Хоналарга иссиқлик, ошхона, ванна ва бошқа жойларга иссиқ сув етказиб берадиган замонавий сув иситкич мосламаси табиий газ ва электр энергия ҳисоби-

га ишлаб, автомат тарзда ўзи ёниб, ўчади. Ҳароратни меъёрлаштириш эса уй эгасига боғлиқ. Қурилма уйнинг ички йўлагига жойлаштирилгани аёзли кунларда ускунани (иссиқликни) меъёрга келтиришда қулайлик туғдириш борабарида хавфсизлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бир текис, миллий ва замонавий архитектура талаблари асосида барпо этилган ички йўлларнинг тенг ўлчамдалиги кўрган кўзни қувонтиради. Деярли ҳар бир хонадонда ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобилларга кўзингиз тўшади. Ўқиш ва ишга шошаётган одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамлигини юз-кўздан англаш қийин эмас.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда қарор топган тинчлик-осойишталик, фаровонлик, аҳоли яшаш шарт-шароитларини янада яхшилаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасидир.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

Маънавият

Кўзгу топиб олган Занги ҳақидаги ҳикоя ёдингиздами? Занги кўзгуда ўз аксини кўриши билан уни улоқтириб юборади. "Бунчалар хунук нарсани ким бу ерга қўйди экан", дея ҳайрон бўлади. Келинг, ҳозир Сиз билан шу кўзгуга биргаликда назар солайлик.

КЎЗГУДА ГЎЗАЛ ХУЛҚИМИЗ АКС ЭТСИН

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган, эзгуликка йўғрилган қадриятлари, урф-одат ва анъаналари бисёр. Ўзидан каттани кўрганда у хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, салом бериш, ота-онанинг кўзига тик қарамаслик, фарзанд тарбиясида маҳалла-қўй, қўни-қўшниларнинг иштироки каби анъаналар халқимиз онгидан чуқур жой эгаллаган. Аммо, ёнида тик турган қарияга жой бермай, кўзини юмиб ўтирган, ўзидан каттага гап қайтарган, кўча-қўйда ахлоқсизлик қилиб, ярим яланғоч кийиниб юрадиган ёшларнинг кўрганда, ҳар биримиз ўйга толамиз, албатта.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг ахлоқ ҳақидаги фикрларини келтириш жоиз: "Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, ҳўшмуомалалиқдангина иборат эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани". Бу фикрлар замирида янги замон маънавий қадриятларини яратишдек улкан мақсад ётибди. Фақат ташқи кўринишу хатти-ҳаракатлар эмас, балки ички гўзаллик ва одоб ҳам муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланади.

– Ёшларнинг кийиниш маданияти, одоб-ахлоқи ҳақида кўп гапирамиз, – дейди Куйи Чирчиқ туманидаги 2-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий

ишлар бўйича ўринбосари Муножат Маликова. – Айниқса, қизларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда "Орас-та қизлар" кўрик-танлови катта аҳамиятга эга. Лекин, шу каби танловларда иштирок этиб, маълум натижаларни кўлга киритган қизларимиз ҳам баъзан саҳнага калта юбкаларда чиқишади. Ахир, улар тенгдошлари учун намуна бўлишлари керак-ку!

Йиртиқ-ямоқ ёки атайлаб йиртилган шим кийган қизларни, бўйинга занжир илиб, зирак тақиб олган йигитларни кўрганда беихтиёр гашингиз келади. "Эрта-лаб уйдан чиқаётганда ота-онаси кўрдимикин, наҳотки, шу аҳволда кетишига рухсат берган бўлса?" деб ўзингизга савол берасиз. Хорижий тиллардаги турли-туман бемаъни ёзувлар туширилган кийим-кечак кийган ёшларни кўрганда: "Бунди сотиб олаётганда, маъносига қизиққанми-сан?! Кўксингда олиб юришингга арзийдими шу сўзлар?" дегинг келади. "Мен бўшман", "Мен ёлғизман" маъноларини англатувчи сўзлар битилган алмойи-алжойи кийимларни кийишни ўзига эп билган ёшларнинг дидини қандай баҳолаш мумкин?

– Юртимизга келган сайёҳлардан баъзида ўзимизнинг ёшларини ажратолмай қоламиз. Тўғри, сайёҳларни юз-кўздан таниб олиш мумкин, аммо ёшларимизнинг уларга кўр-кўрона тақлиди ғашимизни келтиради. Ахир, биз

гўзал миллий либосларига, ўз маданиятига эга халқимиз, – дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси, чирчиқлик Динора Бекмуродова.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги Қонунда "Маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги" асосий тамойиллардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Қонуннинг асосий йўналишларидан бири эса "Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш", деб таъкидланган. Бу тамойил, албатта, ёшларнинг порлоқ истикболи, ёрқин келажиги, она Ватанимизнинг ривожини йўлида хизмат қиладиган кучга айланишлари учун муҳим омилдир. Уларни ёт гоёларга берилиб кетишдан асраш ҳар биримизнинг устувор вазифамиз эканини эслатиб туради.

Нима бўлганда ҳам йиртилиб, титилиб кетган ёки ўта тор шим, калта юбка кийган қизлар, зирак таққан йигитлар, богда, кўча-қўйда ҳаёсизлик қиладиган ёшлар бир ўйлаб кўришсин, улардан келажак авлодга нима қолади?!

Яна ўша кўзгунга эслайлик ва унда ўз аксимизни кўриб, улоқтириб юбормайлик. Аксинча, кўзгуда гўзал хулқимиз, ўзбек эканлигимиз аққол акс этиб турсин.

Кумуш
АБДУСАЛОМОВА,
ЎЗМУ талабаси.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

"Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди". Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов алоҳида эътибор қаратган оила, унинг соғломлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳ тузишдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги ахборотни аҳолининг кенг қатламлари онгига етказиш" йўналишидаги грант танлови ҳам ай-

нан шу мақсадда эълон қилинган. Бу танловда вилоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти ҳам "Соғлом оилага – маънавияти соғлом авлод билан" мавзусидаги лойиҳаси билан иштирок этиб, ғолиб бўлди. Ушбу лойиҳа ижроси учун ажратилган грант маблағи асосида ўтказилиши режалаштирилган тадбирларнинг дастлабкиси Олмалик шаҳрида "Ижтимоий ҳимоя" жамияти ташаббуси, Саломатлик ва тиббий статистика институтини вилоят филиали, Олмалик шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, ФХДБ бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Мавзуга доир қизиқарли маърузалар тадбир иштирокчилари – маҳаллалар фаоллари ва ўқувчи-ёшларда ёрқин таассурот қолдирди.

Санда РАҲМОНОВА.

Нега шундай деймиз?

"Оғзи бўш"

Оғиз аслида маҳкам ёки бўш бўлмайди. Оғзининг овқатдан, гапдан ҳоли, яъни бўшлиғи "оғзида гап турмайди" иборасининг муқобилидир. Рамзий маънодаги "оғзи бўш" иборасида сир сақлай олмайдиган, ишониб бўлмайдиган кишилар кўзда тутилади.

"Қўли қўлга тегмайдиган"

Қўл қўлга тегиши, яъни қарсақ чалиш мумкинлиги ҳаммага маълум. Лекин бу иборанинг асл маъноси, қаққонлик, иш билан қаттиқ бандликдир. Одатда савдо ходимлари, бозорчи деҳқон, чевар тикувчи, тўқувчи ва теримчиларнинг ҳаракати шундай қиёсланади.

Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.

СУРАТЛАРГА ЖО БЎЛГАН ЖОЗИБА

Тошкент Фотосуратлар уйида ёш рассомлар Жамшид Чоршанбиев, Абдумажид Сағатов, Фаррух Мавлонов, Улғубек Ражабов, Бунёд Каримов, ҳайкалтарош Ботир Ҳакимовнинг рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик ишлари кўргазмаси ҳамда манзара жарининг таникли фотостаси Владимир Гончаренконинг фотосуратларидан иборат кўргазма ташкил этилди.

Кўргазма

Экспозициядан ўрин олган рангтаъсир ва фотосуратларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва бошқа вилоятларнинг гўзал табиати манзаралари, фасллар алмашинуви, заминимиз неъматлари, меъморий ёдгорликлар, тарихга айланиб бораётган тураржой ва турмуш тарзининг айрим қирралари, миллий қадриятлар ўз аксини топган.

Иқтидорли рассом Жамшид

Чоршанбиевнинг кўргазмага қўйилган қатор ижод намуналарида қадрдон Филон табиатининг гўзаллиги меҳр билан ифодаланган. Владимир Гончаренко эса 15 ёшидан фотографияга қизиққан. Унда манзара жанрида ишлашга иштиёқ кучли бўлган. Тошкент вилояти ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларида янги замон маънавий қадриятларини яратишдек улкан мақсад ётибди. Фақат ташқи кўринишу хатти-ҳаракатлар эмас, балки ички гўзаллик ва одоб ҳам муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

101 огоҳлантиради

ЛОҚАЙДЛИКДАН ФАЛОКАТГА БИР ҚАДАМ

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари газ ва электр таъминоти корхоналари ва бошқа дахлдор ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахслар газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишларининг олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда учрашув ва тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Йилнинг ўтган даврида аҳоли тураржойлари ва маҳаллаларда 54 мингдан ортиқ учрашув ўтказилиб, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик қандай бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши фотоланганлар орқали тушунтирилди. Кўп қаватли аҳоли тураржойлари олдида қўйилган темир-бетон тўсиқлар ёнғин содир бўлганда уни ўчириш ва одамларни қутқаришга ҳа-

лал бераётгани боис олиб ташланди. Давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектларга қарашли объектлардаги текшириш ва профилактик кўриклар давомида мингдан зиёд печь ва қозонларнинг хавфсизлик автомат ускуналари ва дудбуронларнинг носозлиги, 1 минг 640 ҳолатда ностандарт шланглар орқали газ мосламаларига уланганлик, юзлаб ҳолатларда газдан ва электр

энергиясидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек, газ сўргичлар ўрнатиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли идора вакиллари билан ҳамкорликда 3 минг 994 та носоз дудбурон ва печлар таъмирланди, газ мосламаларига уланган ностандарт шланг ва газ сўргичлар олиб ташланди, ноқонуний фойдаланилаётган газ қуурлари ва электр симлари манбадан узиб қўйилди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаяётганларга 555 миллион сўмдан зиёд маъмурий жарима қўлланилди. Ушбу қамчиликлар корхона ва муассаса раҳбарларининг лоқайдлиги, қишлоқ қишлоқларида юз берадиган қишлоқликларга бифарқлигини кўрсатмоқда. Бу эса хавфли ёнғинларга олиб келади ва давлатга катта миқдорда зарар етказиши. Энг ачинарлиси, одамлар тан жароҳат олишлари, ҳатто, ҳаётдан бевақт кўз юмишлари мумкин.

Сердор ҚОДИРОВ,
ЎЗР ИИБ ЁХББ муҳандиси.

панжараларга ўтга бардошлиликни оширувчи суюқликлар билан ишлов бериш, хоналарда иситиш печларини қоидага мувофиқ ўрнатиш лозим.

Ҳар бир фуқаро ўз уйини пишиқ-пuxта қуришни ният қилар экан, ёнғин хавфсизлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги керак.

Жамшид ТЎЛБОВЕВ,
Тошкент шаҳар 12-ҲҲО 26-ҲҲҚ смена бошлиғи.
Жамолиддин МАҲАМАДЖОНОВ,
кичик инспектор.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 23 ноябрь кунни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шимоли-шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-9, кундузи 2-4 даража совуқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шимоли-шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушади. Шимоли-шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 3-8 даража совуқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Файрат ШЕРАЛИЕВ	Маъналиями: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@mail.ru	Телефонлар: Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08. Шарҳнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Назоратчи мусоҳиҳ Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАХМУДХЎҲАЕВ
--	--	---	---	--	--